

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД  
ВИЛОЯТ СУДИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И  
№ 3-1-1416-1901/48-19**

2020 йил январь ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди раисининг ўринбосари Ў.Мамадалиев, ҳайъат судьялари Б.Аликулов ва Ғ.Негматовлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Турсунболтаевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Э.Султанов, судланувчи И.А. ва унинг ҳимоячиси-адвокат О.Хайриева ҳамда жабрланувчилар Г.Қ., Ш.Ҳ.ларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2019 йил 12 декабрдаги ҳукмига асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 3-қисми “а” банди билан судланувчи

**А.И.Ш.** (A.I.Sh.), 1996 йил 21 октябрь куни Самарқанд вилояти, Пайарик туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, вақтинчи ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Пайарик туман судининг 2018 йил 4 январдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан 2 йил муддатга транспорт воситалари бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, мазкур суднинг 2019 йил 14 февралдаги ажримига асосан ўталмай қолган 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ва мазкур судининг 2019 йил 27 февралдаги ажримига асосан ўталмай қолган 10 ой 19 кун муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосидан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, П. тумани, “Б.” МФЙга қарашли, “М.” қишлоғида яшаган, “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2019 йил 22 октябрдан қамокда сақланмоқда, айблов ҳулосасини 2019 йил 31 октябрь куни ва ҳукм нусхасини 2019 йил 12 декабрь куни олганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган И.А. томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни;

**А Н И Қ Л А Д И:**

И.А.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 3-қисми “а” банди билан 2 йил 6 ой муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 8 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Пайарик туман судининг 2018 йил 4 январдаги ҳукми билан тайинланган жазоларнинг шартлилиги бекор қилиниб ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан ҳукмлар мажмуи бўйича узил-кесил 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 8 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи И.А. 2019 йил 01 сентябрь куни соат 22:00 лар чамасида отаси Ш.М.га тегишли бўлган техник жиҳатдан соз ҳолдаги “Nexia-Sonc” русумли 30 Z ---- JA давлат белгили автомашинани мазкур турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси, огоҳлантириш талони, суғурта



полисига эга бўлгани ҳолда, Окдарё тумани, “Д.” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи 4К-493 “Э.” қишлоғига кириш автомобиль йўлининг 3 километрида “С.-Ч.” йўналишида бошқариб бориб, ушбу йўналишда 5-километри оралиғида таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги, “Йўл ҳаракати қондаларининг 1.23 банди “таъмирлаш ишлари” 3.24-банди “юқори тезлик чекланган” “80,60” йўл белгилари ўрнатилганлиги, 77-банди “ҳаракатланиш вақтида, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” 83-бандига кўра “транспорт воситаларини фақат чап томондан қувиб ўтишга рухсат берилди” деб кўрсатилган бўлсада, И.А. бошқарувида бўлган “Nexia-Sonc” русумли 30 Z --- JA давлат белгилари автомашинани таъмирлаш ишлари олиб борилаётган ҳудудда белгиланган тезликдан юқори бўлган 100 километр соат тезлик билан бошқаришда, ҳаракат йўналиши билан олдинда бораётган автомашинани чап томондан қувиб ўтишни амалга оширмасдан, ўнг томондан қувиб ўтиш вақтида, руль бошқарувини йўқотиб, ўнг томонга чиқиб кетиши оқибатида йўлнинг ўнг қисмида бўлган бетон бардюрга урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган, натижада, автомашинада йўловчи сифатида бўлган А.Қ. ва Ш.Ҳ.ларни “оғир ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳат”лари олиб вафот этишига, М.Б.ни “енгил ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳати” олишига сабабчи бўлган.

Судланувчи И.А. томонидан келтирилган апелляция шикоятда, биринчи босқич суди йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлишида олдинда ҳаракатланган “Нексия” русумли автомашинанинг ҳам айби борлиги ҳолатига баҳо бермаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, тайинланган жазони енгиллаштириш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди раисининг ўринбосари Ў.Мамадалиевнинг маърузасини, прокурор Э.Султанов ва жабрланувчи Г.Қ., Ш.Ҳ.ларнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчи И.А. ва унинг ҳимоячиси-адвокат О.Хайриеваларнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган вазларни жиноят иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим деб топди.

И.А.нинг айби, ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда сўралган жабрланувчлар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, воқеа жойини кўздан кечириш, тергов эксперименти ўтказиш тўғрисида баённомалар ва фотожадвал, 2019 йил 9 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги РСТЭИАСФ суд-тиббий экспертизасининг марҳум А.Қ.га нисбатан берилган 309-сонли ва марҳум Ш.Ҳ.га нисбатан берилган 310-сонли эксперт хулосалари ва унга илова қилинган фотожадваллар, эксперт-криминалистика бўлимининг 303 ва 304-сонли хулосалари ва фотожадваллар, автотехника экспертизасининг 5304/13.1-сонли хулосаси, сўроқ баённомалари каби жиноят ишида тўпланган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи босқич суди томонидан И.А.нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Шикоятдаги, биринчи босқич суди йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлишида олдинда ҳаракатланган “Нексия” русумли автомашинанинг ҳам айби борлиги ҳолатига баҳо бермаганлиги ҳақидаги вазлар билан келишиб бўлмайди.

Иш ҳужжатларига кўра, И.А. “Nexia-Sonc” русумли 30 Z --- JA давлат белгилари автомашинани мазкур турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси, огоҳлантириш талони, суғурта полисига эга бўлгани ҳолда, Окдарё тумани, “Д.” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи 4К-493 “Э.” қишлоғига кириш автомобиль йўлининг 3 километрида “С.-Ч.” йўналишида бошқариб бориб, ушбу



Йўналишда 5-километри оралиғида таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги бўлса-да, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77 ва 83-бандлари талабларини қўпол равишда бузиб, автомашинани таъмирлаш ишлари олиб борилаётган худудда белгиланган тезликдан юқори бўлган 100 километр соат тезлик билан бошқариб, ҳаракат йўналиши билан олдинда бораётган автомашинани чап томонидан қувиб ўтишни амалга оширмасдан, ўнг томонидан қувиб ўтиш вақтида, руль бошқарувини йўқотиб, ўнг томонга чиқиб кетиши оқибатида йўлнинг ўнг қисмида бўлган бетон бардюрга урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган, натижада, автомашинада йўловчи сифатида бўлган А.Қ.ю ва Ш.Ҳ.ларни “оғир ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳат”лари олиб вафот этишига, М.Б.ни “енгил ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳати” олишига сабабчи бўлган.

Бирок, иш ҳужжатларида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлишида бошқа транспорт воситасининг айби борлиги ҳақида бирор бир далиллар мавжуд эмас.

Шу сабабли, судлов ҳайъати судланувчи И.А.нинг ушбу вазиятини жавобгарликни енгиллаштириш учун ўйлаб топилган деб ҳисоблаб, уларни танқидий баҳолайди.

Биринчи босқич суди томонидан И.А.га нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли Қарорининг;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” ги 10-сонли Қарорининг 25-бандининг, яъни судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига риоя этган ҳолда унинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, бўйдоқлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси борлигини, муқаддам содир этган шу каби жинояти учун судланганлигидан ижобий хулоса чиқармасдан яна жиноят содир этганлигини содир этганлигини, жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ҳамда хусусиятини инобатга олиб, қонун санкциясида назарда тутилмаган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, қонуний ва адолатли тўхтамга келган.

Шу билан бирга, И.А. содир этган жиноятнинг хусусияти ва унинг оқибатлари инобатга олиниб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддаси тартибида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, асосли ва тўғри хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 5-бандида, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасдан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди;

Мазкур кодекснинг 22-моддасига асосан, ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасида назарда тутилган жиноятлар эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар туркумига киради.



Биринчи босқич суди мазкур қонун талабига амал қилмасдан, судланувчи И.А. томонидан қасддан жиноят содир этилмаган бўлса-да, жиноят ишлари бўйича Пайарик туман судининг 2018 йил 4 январдаги ҳукми билан тайинланган жазоларнинг шартлилигини бекор қилиб, асоссиз ЖКнинг 60,61-моддалар тартибида жазо тайинланган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати суд ҳукмининг судланувчи И.А.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалар тартибида жазо тайинлаш қисмини бекор қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга қўра, судлов ҳайъати судланувчи И.А.га нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ўзгартириб, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 490, 491, 496, 497<sup>13</sup>, 497<sup>18</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди;

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2019 йил 12 декабрдаги **А.И.Ш.** (А.И.Ш.)га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилсин.

И.А.га ЖКнинг 60,61-моддалар тартибида жазо тайинлаш қисми бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари ЖИКнинг 21-моддаси 2-қисми тартибида алоҳида ижро этилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Келтирилган апелляция шикояти қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

**Раислик қилувчи:** (имзо) **Ў. Мамадалиев**

**Ҳайъат судьялари:** (имзо) **Б. Алиқулов**

(имзо) **Ғ. Негматов**

*Аслига тўғри:*

